



POVERTY REDUCTION AS AN IMPORTANT FACTOR IN ENSURING SOCIAL STABILITY

Nozimjon Q. Kholmurodov

Researcher

Bukhara State University

Bukhara, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Sufism, nafs, suffering, mystical dissolution of a person, values, truth, aesthetic love.

Received: 23.06.22

Accepted: 25.06.22

Published: 27.06.22

Abstract: The article provides information on strong social policies. Poverty reduction is a key factor in ensuring social stability and suggestions have been made and discussed.

КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ – ИЖТИМОЙ БАРҚАРОРИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА

Нозимжон К. Холмуродов

Тадқиқотчи

Бухоро давлат университети

Бухоро, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Poverty, politics, social protection, strong social policy, Action strategy.

Аннотация: Мақолада кучли ижтимоий сиёsat ҳақида маълумотлар берилган. Камбағалликни қисқартириш – ижтимоий барқарорликни таъминлашнинг муҳим омили сифатида таклифлар берилган ва муҳокама қилинган.

СОКРАЩЕНИЕ БЕДНОСТИ КАК ВАЖНЫЙ ФАКТОР ОБЕСПЕЧЕНИЯ СОЦИАЛЬНОЙ СТАБИЛЬНОСТИ

Нозимжон К. Холмуродов

Исследователь

Бухарский государственный университет

Бухара, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Бедность, политика, социальная защита, сильная социальная политика, стратегия действий.

Аннотация: В статье представлена информация о сильной социальной политике. Сокращение бедности является ключевым фактором в обеспечении социальной стабильности, и предложения были внесены и обсуждены.

КИРИШ

Камбағалликни қисқартириш, жамият барқарорлигини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини янада ошириб бориш шахс ижтимоий фаоллигини таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Президент Ш.М.Мирзиёев томонидан кейинги 5 йилда билдирилган фикрларни таҳлил қиласиган бўлсак, уларнинг моҳиятида “ҳар қандай хавфдан энг мақбул ҳимоя усули – бу узлуксиз ривожланиш йўли” эканлигини англаш қийин эмас. Бу тараққиётимизнинг асосий таянчларидан бири ҳисобланиб, жамиятда кўпайиш, тарқалиш, парокандалик, яъни фракталлашувнинг олдини олишда ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қиласи.

Умуман, фракталлашув тушунчасининг ижтимоий жиҳати жамиятда парчаланиш, бўлинеш, тарқалиш ҳолатларини ўзида намоён этиши билан аҳамиятли. Ижтимоий фракталлашув ўзига хос ижтимоий тенденция сифатида ижобий хусусиятлари билан бирга салбий аҳамият ҳам касб этади. Шахс ижтимоий фаоллигини таъминлаш, жамиятда яқдиллик, уйғунлик, бирдамликни мустаҳкамлаш доимо долзарб бўлиб келган. Бу борада турли даврларда турлича ёндашувларни кўриш мумкин.

Жумладан, Амир Темур ижтимоий фракталлашувнинг олдини олиш учун ўзининг “Темур тузуклари” да қуйидаги ёндашувни баён қиласи: “**Сипоҳу раиятни умид ва қўрқув орасида сақладим.** Дўст-душманни муросаю мадора мартабасида тутдим. Қилмишларини, айтган гапларини сабр-тоқат ва чидам билан ўтказдим. Дўст-душмандан кимки менга илтижо қилиб келса, дўстларга шундай муомала қилдимки, дўстлиги янада ортди, душманларга эса шундай муносабатда бўлдимки, уларнинг душманлиги дўстликка айланди”. Амир Темурнинг раиятни умид ва қўрқув оралиғида бошқариш борасидаги ёндашуви Ислом динининг “эътиқод ва қўрқув оралиғи”даги ёндашувига яқин эканлигини кўришимиз мумкин.

АСОСИЙ ҚИСМ

Президент Шавкат Мирзиёев томонидан кўп маротаба таъкидланган “узлусиз ривожланиш” ибораси бевосита фаоллик, харакат, харакатланиш тушунчалари билан боғлиқ. Шунингдек, кейинги даврда аҳоли билан олиб борилган амалий ишларни таҳлил қиласиган бўлсак, у асосан умид, ишонч уйғотиш билан боғлиқ эканлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, аҳолига товуқ, парранда, мол-чорва тарқатиш, иссиқхона, тикув

машинкалари учун кредитлар ва субсидия ажратиш, ишсизларни иш билан таъминлаш, касб-хунарга ўргатиш каби чора-тадбирлар инсонга умид уйғотиш, ҳаракатга ундаш каби мотивларни ўзида ифода этади. Умуман жамият аъзоларини умид ва ҳаракат оралиғида сақлаш бу жамиятни бирлаштириш, яқдил бўлишга олиб боради. Ҳаракатланаётганда одамлар бир жойда турганга нисбатан уюшиб, бирлашиб боради. Бу эса ижтимоий тарқоқликнинг олдини олишда самарали чора, шунингдек, методологик асос бўлиб хизмат қиласи.

Шу билан бирга, ижтимоий мобиллик ёки ҳаракатчанлик инсоннинг ижтимоий муҳитда вертикал ва горизонтал ҳаракатланишини ифодалаб, ижтимоий ўзгаришлар характерини англатади. Ўзгариш бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтишда ҳам кузатилади. Ижтимоий лифтда бу ҳаракат юқорига чиқувчи ёки қўйига тушувчи бўлиши, у авлодлараро ёки авлод ичидаги кузатилиши мумкин. Ижтимоий ҳаракатчанлик алоҳида инсон ёки гурухни бир ҳолатдан бошқага ўзгаришини англатади.

Ижтимоий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашнинг муҳим омили аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш ҳисобланади. Шунга кўра ҳар бир давлат аҳоли фаровонлигини ошириш масаласини ўз фаолиятидаги биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган соҳа сифатида қарайди. Жаҳон амалиётида аҳоли турмуш даражаси ва сифатини баҳолашда - ижтимоий индикаторлар тизимидан фойдаланилади. Бунда, аҳоли жонбошига ЯИМ, аҳолининг улуши ва сони, камбағаллик чегарасидан пастда яшовчилар, истеъмол баҳоси индекси – ИБИ, болалар ва оналар ўлимининг даражаси, келажакдаги турмушнинг давом этиши, ЯИМ даги ижтимоий ҳаражатлар улуши ва камбағалликнинг бошқа бир қатор қўшимча кўрсаткичлари (ижтимоий муҳтоҷлик учун ҳаражатлар, бошланғич таълимнинг киритилиши, соғлиқни сақлаш тизими, ичимлик сувининг манбаси ва шу кабилар) ўрганилади.

Ҳар қандай жамиятда қатламлар вужудга келиши учун олтида муҳим жиҳат мавжуд бўлиши керак деб ҳисблайди америкалик тадқиқотчи Б.Барбер. Булар:

- обрў-эътибор, касб, ҳокимият ва куч-қудрат;
- фойда кўриш, даромад олиш даражаси;
- таълим даражаси;
- диндорлик даражаси;
- қариндош-уруғларининг жамиятда тутган ўрни ва мавқеи;
- этник мансублик.

Аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини акс эттирадиган кўрсаткичларнинг биринчи халқаро тизими 1960 йилда БМТ ҳузурида жорий этилган ва қуидаги 12 та асосий кўрсаткичлар грухини ўз ичига олади:

1. Аҳолининг демографик тавсифлари (тугилиш, ўлим сони, касалланиш, ҳаётнинг давом этиш муддати ва шу каби);
2. Турмуш санитар-гигиена шароитлари;
3. Озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиниши;
4. Уй-жой шароитлари ва истеъмол неъматларидан узок муддатли фойдаланишнинг таъминланганлиги;
5. Таълим ва маданият;
6. Бандлик ва меҳнат шаритлари;
7. Аҳолининг даромадлари ва ҳаражатлари;
8. Истеъмол қиймати ва турмуш баҳоси;
9. Транспорт воситалари;
10. Жисмоний тарбия, спорт ва дам олиш муассалари;
11. Ижтимоий таъминот;
12. Инсон эркинлиги.

Келтирилган груухлардан ташқари БМТ Статистика комиссияси аҳоли турмуш даражасини баҳолаш учун тегишли бўлган маълумотларни ўзида акс эттирган индикаторларни умумий қисмда ажратиб берган. Бироқ БМТ эксперtlари томонидан, ушбу қисмдаги кўрсаткичлар турмуш даражасини баҳолашда бевосита тавсифловчи муҳим индикатор бўлиб хизмат қиласлиги баҳоланган. Жумладан,

- бу кўрсаткичларга миллий даромад, аҳоли жон бошига ЯИМ ва унинг ўсишидаги ўртача йиллик коэффициенти, аҳолининг зичлиги;
- ижтимоий хизмат кўрсатиш турлари ва хажми;
- аҳолининг шахсий истеъмолиучун ҳаражатлар, аҳолининг транспорт хизматлари;
- матбуот, алоқа воситаларида ишлаш ва бошқалар киритилган.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда кишиларнинг жисмоний, маънавий ва ижтимоий эҳтиёжлари қондирилишини баҳолашда, аҳоли турмуш даражаси кўрсаткичлари ва индикаторлари белгиланган.

Маълумки, турли социал груух, страталарнинг ташкил топиши ва реал яшашида моддий омиллар жуда муҳим роль ўйнайди, чунки даромад, моддий бойликларга эгалик қилиш айнан шу иқтисодий муносабатлар негизида қарор топади. Шу маънода собиқ совет даврида ҳам шахсий томорқа хўжалигига (ШТХ) рухсат этилган, бироқ қўшимча

даромад манбаига айланишига имкони қадар тўсқинлик қилинган эди. Аҳолининг реал даромадларини оширишга қўмаклашиш, унинг турмуш шароитини яхшилаш ва истеъмол таркибининг хилма-хиллигини сифат жиҳатдан бойитиш билан бир қаторда, ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш савиясини оширишга ҳам хизмат қиласи.

Ўзбекистон ҳукумати томонидан чиқарилган сўнгги йилларда қатор қарорларда ШТХга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш кўзда тутилган. Ўтган йиллар мобайнида ерга эгалик қилиш қонун билан мустаҳкамланди, аҳоли фойдаланиши учун қўшимча ерлар ажратилди, боғдорчиллик уюшмалари кўпайтирилди. Бюджет ҳисобидан бепул сув қўйиш иншоотлари қуриб бериш, шахсий қурилиш учун давлат томонидан кредитлар ажратиш амалиётга жорий этилди.

Социал стратификацияда даромад страталар ташкил топишининг муҳим мезони ҳисобланади. Кишини ўз салоҳиятига боғлиқ ҳолда даромад олиши бўйича қуидаги страталарга ажратиш мумкин:

- **юқори малакали ишчилар.** Ишчи бажараётган иш бевосита юқори савияни талашиб қилиши билан бирга, бу савияни доимий такомиллаштириб бориши керак бўлади. Даромадларнинг манбаи асосан ақлий меҳнат бўлади;

- **ўрта малакали ишчилар.** Ишлаб чиқариш жараёнида бир бутун циклнинг айрим бўлгадаги ишни бажариш бир хил операцияни доимий амалга ошириб туриши сабабли ишчининг малакасини такомиллашиб бориши талашиб қилинмайди;

- **малакасиз ишчилар.** Бу қатлам энг кам даромад олувчилар ҳисобланиб, бунга узоқ вақтли маҳсус тайёргарлик талашиб қилинмайдиган мутахассисликлар ва малакасиз меҳнат турлари киради.

Ижтимоий самарадорликни тақсимлаш шакли ва йўналиши шундай тартибда амалга оширилиши керакки, бунда жамият аъзоларининг турмуш тарзи юксак даражага этиши ва умумий фаровонликни таъминлаши керак. Кишилар даромадларнинг тенглашиши миқдоран эмас, балки мазмунан яқинлашиши жамиятдаги турли ижтимоий қатламларнинг даромад топишларидаги хилма-хиллик заминида вужудга келади.

Табақаланиш жараёнига таъсир этувчи омиллар:

- аҳолининг даромадлари бўйича ижтимоий табақаланиш;
- ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражаси;
- аҳолининг иш билан бандлик миқдори ва ишчиларнинг меҳнат масаласи;
- ишлаб чиқарувчиларда ва умуман ресурс эгаларида мавжуд бўлган мулк ва капитал ҳажми;
- ижтимоий демографик омиллар;

- республика иқтисодининг ривожланишига хос бўлган миллийлик ва табиий-иқлим шароитлари;
- табақаланишнинг ҳудудий хусусиятлари.

Кишининг жисмоний ва маълум ақлий меҳнат сарфи даромад топишнинг манбалари ҳақида тўлиқ мулоҳазалар юритиш учун етарли бўлмайди. Чунки, жамиятда шундай аҳоли қатламлари мавжудки, уларнинг меҳнати нафақат шу бугунни, балки келажакни таъминлашга хизмат қилиши мумкин. Булар жумласига санъат – маданият ходимлари, юқори малакали врач, технолог ва илмий ходимларни киритиш мумкин. Булар маҳсус қобилиятга, талантга эга бўлиб, уларнинг меҳнати натижаси нафақат бир мамлакат, балки дунё аҳамиятига молик бўлиши мумкин. Бундай кишилар жамиятнинг фахри ва интеллектуал бойлиги ҳисобланади. Шунинг учун илм-маърифат ходимларини моддий рағбатлантиришини ошириш керак. Аҳолининг бу қатлами юқори даромад олувчилар сафида бўлиши, бу билан ақлий мазмунли меҳнатнинг қадрини кўтариш мақсадга мувофиқдир. Демак, юқори малакали ишчининг иш кучи қайта тикланиши малакасиз ишчиникига қараганда юқори савияда такрор яратилиши талаб қилинади. Бу эса, ижтимоий адолат тамойилларига тўлиқ мос келиб, тақсимот муносабатлари моҳиятини белгилайди.

Ижтимоий стратификацион жараёнлар аҳолининг иш билан таъминланганлик даражаси орқали ҳам ўзгаришга учрайди. Жамият аъзоларининг ҳаммаси ҳам мулкдор бўлавермайди. Аҳолининг кўпчилиги иш кучи ва меҳнат малакаси орқали даромад топиши ва ўстириши имкониятига эга бўлади. Шунинг учун даромадлар табақаланишига бевосита аҳолининг иш билан таъминланганлик даражаси ҳам таъсир қиласи. Хўжалик юритишнинг янги шаклларини ривожлантириш натижасида аҳолининг иш билан машғул бўлиш нисбати ўзгаради. Бу эса аҳоли даромадлари таркибининг ўзгаришига олиб келади. Иш билан таъминланганлик, меҳнат активлиги ва меҳнат унумдорлигининг ўсиши турмуш даражасини кўтаришнинг асосий мезони, унинг шарти ҳисобланади.

ХУЛОСА

Даромадларнинг табақаланишини аҳолининг турли гурӯҳ ва қатламлари бўйича кўриб чиқиши мақсадга мувофиқдир. Чунки ишчилар, хизматчилар, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари, тадбиркорлар хўжалик фаолияти ва мулкка эгалик қилиш шакли бўйича бир хил эмасдирлар. Ҳозирги даврда аҳолининг бу ижтимоий қатламларининг даромадларидаги фарқи анчагина.

Оилалар даромади табақаланиши, айрим мутахассислар фикрига кўра, қуйидаги омилларга боғлиқ бўлади:

- оиладаги меҳнат қилувчиларнинг меҳнат активлиги ва меҳнатнинг самарадорлиги;
- оиласа даромад келтирувчи аъзоларнинг интеллектуал савияси ва дунёқараши, тадбиркорлиги;
- оиладаги ишловчиларнинг сони;
- мулкка эгалик қилиш даражаси.

Бозор муносабатларига ахоли даромадлари микдори ва таркиби бўйича чукур табақаланиш объектив хосдир. Лекин ўтиш даврида табақаланишнинг бозор механизми кам таъминланган ахолини ижтимоий ҳимоялаш сиёсати билан тартибга солиниб боради. Нарх-навога дотация бериш, бюджет, корхоналар, ташкилотлар ва хайрия фондлари маблағлари ҳисобидан ахолининг айрим қатламларининг даромадларини ошириш улар турмуш даражасининг пасайиб кетишининг олдини олади. Даромадлар табақаланишини тартиблаш айрим кишиларга, яъни ижтимоий мавқеи жихатидан ўзларини зарур даромад билан таъминлай олмайдиган ахоли қатламига тааллуқли бўлиши шарт.

Даромадлар табақаланиши кишиларни пул топишга интилиши учун рағбат беради, чунки юқори даромад топувчиларга нисбатан қизиқиш кучаяди ва кам таъминланган кишилар уларга тенглашишга ҳаракат қиласидилар.

Ахоли шахсий даромадлари табақаланиш жараёнига таъсири этувчи ва йўналишини белгиловчи асослар қўйидагилар бўлиши мумкин:

- кишининг меҳнат фаолияти ва қобилияти даражаси;
- турли мулк шаклларига эгалик қилиш даражаси ва бунинг асосида ташкил топувчи даромадлар;
- давлат томонидан ҳамда бошқа таркибий бўлинмалар томонидан кўрсатилаётган ижтимоий ёрдамлар, имтиёзлар ва қўллаб-қувватлашлар кўлами;
- корхона ва ташкилотларнинг тутган ўрни ва иқтисодий мавқеи, илмий техник тараққиёти даражаси;
- жамият миқёсида шахсий қобилиятлар ва имкониятларни реализация қила олиш шароитларининг яратилганлиги;
- ахоли ижтимоий таркибий қатламининг ўзгариши, яъни янги ижтимоий гурухларнинг вужудга келиши, чегарадош ижтимоий ҳолатнинг юзага чиқиши;
- ишчи кучини норма ва етарли савияда тақрор ишлаб чиқариш учун шарт-шароит ва мезонларнинг бўлиши.

Тақсимот муносабатларининг асосий қонуни бўлган меҳнатга қараб тақсимлашда ҳам мутлақ эмас, балки нисбатан қилинган меҳнат ва ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорига биноан ҳақ тўлаш ҳақида гап бормоқда. Демак, табақаланиш фақат бир ёки бир

неча ижтимоий иқтисодий тузумга эмас, балки кишилик жамиятининг ҳамма даврига хос бўлган объектив воқеликдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Холмуродов Н. Факторы повышения уровня жизни и благополучия населения (на примере Бухарской области) //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 6/S. – С. 188-193.
2. Холмуродов Н. К. ИСЛОМ ДИНИДА КАМБАҒАЛЛИК МУАММОСИ ВА УНИҚИСҚАРТИРИШ БЎЙИЧА ЁНДАШУВЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ //Oriental Journal of History, Politics and Law. – 2022. – Т. 2. – №. 1. – С. 38-51.
3. Холмуродов Н. Аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш омиллари (Бухоро вилояти мисолида) //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 6/S. – С. 188-193.
4. Xolmurodov N. Q. O ‘ZBEKİSTONDA KAMBAG ‘ALLIKNI BARTARAF QILISHNING O ‘ZİGA XOS XUSUSIYATLARI //Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2021. – Т. 1. – №. 7. – С. 379-385.
5. Kholmurodov N. K. THE PROBLEM OF POVERTY IN ISLAM AND THE PECULIARITIES OF APPROACHES TO ITS REDUCTION //Oriental Journal of History, Politics and Law. – 2021. – С. 38-51.
6. Хусейнова А. А. ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ //ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ. – 2022. – Т. 7. – №. 5.
7. Хусейнова А. А., Аслонов F. T. Глобаллашув шароитида дахлдорлик тарбиясининг ижтимоий-педагогик хусусиятлари //Science and Education. – 2022. – Т. 3. – №. 5. – С. 1252-1257.
8. Хусейнова А. А. Соҳа лингвистикасини ривожлантириш–давр талаби //Conferences. – 2021.
9. Хусейнова А. Янги Ўзбекистон шароитида одам савдосига қарши курашнинг маънавий ва ҳуқуқий асослари //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 6/S. – С. 179-187.
10. Хусейнова А. А. Аёлларнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни //ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ. – 2021. – №. SI.
11. Хусейнова А. А. Воздействие результатов независимого оценивания на учебную мотивацию //ЦИТИСЭ. – 2021. – №. 1. – С. 258-266.

12. Хусейнова А. А. Независимый контроль как элемент стимулирования учебной деятельности в рамках компетентностного подхода в образовании //Проблемы современного образования. – 2021. – №. 2. – С. 249-256.
13. Хусейнова А. Духовные и правовые основы борьбы с торговлей людьми в контексте нового Узбекистана //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 6/S. – С. 179-187.